



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Маматов Акмалжон Анваржонович

“Агробанк” АТБ HR департаменти бошқарма бошлиғи

Телефон: +998 (99) 602 79 49

Gmail: a.a.mamatov82@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8278906>

ARTICLE INFO

Received: 15th August 2023

Accepted: 23th August 2023

Online: 24th August 2023

KEY WORDS

Кредит, қарз юки, қарз олувчиларнинг харид қобилияти, инфляция, истеъмол харажати, аҳоли даромадлари, NPL, активлар таваккалчилиги, ипотека кредити, ЯИМ, Марказий банк.

ABSTRACT

Банк-молия тизимида кредитлаш амалиётларини бевосита ёки билвосита тартибга солиш юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларолдини олиш ва уни минималлаштиришга хизмат қилади. Хусусан, тижорат банкларининг жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётларини мувофиқлаштириш, қарз олувчилар ва биргаликда қарз олувчиларнинг қарз юки орқали тартибга солиш халқаро амалиётда кенг фойданилмоқда. Шу жиҳатдан Марказий банк томонидан тижорат банкларида жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётларини тартибга солиниши ва уни такомиллаштириш банк тизимининг барқарор ривожланиш омили ҳисобланади. Мазкур мақолада жисмоний шахсларни кредитлашнинг назарий жиҳатлари тадқиқ қилиниб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Кириш

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг турмуш фаровонлигини ва даромадларини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Тижорат банклари томонидан аҳолининг турли қатламларига тижорат ва имтиёзли шартлар асосида кредитлар таклиф этилмоқда. Натижада 2023 йил 1 январь ҳолатига банклар томонидан аҳолига ажратилган кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши 25,9 % ни ташкил этиб, ўтган 2022 йил 1 январга нисбатан (21,3%) 4,6 ф.п. га ошган.

Юқоридаги ҳолатлар ижобий ҳисоблансада, унинг муаммоли ва салбий жиҳатлари ҳам борки, регуляторлар томонидан тартибга солиш ва мувофиқлаштириш талаб этилади. Тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётида агрессив сиёсат юритилиши ва жисмоний шахсларни кредитлаш ҳажмининг кескин ошиб бориши келгусида салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Хусусан, иқтисодиёт ва банк тизимида қуйидаги салбий ҳолатлар кузатилиши мумкин:



1. Жисмоний шахслар эҳтиёжларининг банк кредитлари ҳисобига талабга айланиши, ялпи талабни кескин ошишига сабаб бўлади. Ялпи талабнинг ошиши натижасида иқтисодиётда товар ва хизматлар баҳосини ошириб талаб инфляциясини келтириб чиқаради. Ушбу ҳолатда тижорат банклари томонидан автокредит ва ипотека кредитлаш амалиётлари ошади ҳамда бирламчи ва иккиламчи бозорда автомашина ва уй-жойлар нархи ошади. Масалан, АҚШда жисмоний шахсларни ипотекали кредитлаш ҳажмининг ўсиши натижасида, уй-жойлар нархи юқори даражасига чиқди ва 2007 йилдаги жаҳон молиявий –иқтисодий инқирозини келиб чиқишига сабаб бўлди. 2007-2008 йиллардаги жаҳон молия инқирозининг асосий сабабларидан бири сифатида аҳоли қарз юкининг юқори суръатларда ошганлиги ҳисобланади.

2. Жисмоний шахсларни кредитлаш ҳажмининг ошиб бориши, қарздорларнинг қарз юкини ошириб, келгусида кредитлар ўз вақтида тўланмаслиги оқибатида муаммоли кредитларга (NPL) айланади. Натижада банкларнинг активлар сифати пасайиб, кредит ва ликвидликлиги risksи ошади ҳамда банк тизимида занжирли инқирозни келтириб чиқаради.

3. Аҳолига ажратилган кредитлар қолдиғининг аҳоли даромадларидаги улушининг ортиб бориши, аҳоли қарз юки даражаси ошиб бориши оилаларда депрессияни кучайишига, жамиятда ижтимоий муаммоларни ортишига сабаб бўлади.

4. Жисмоний шахсларнинг муддатли тўлов ҳисобига олинган товар ва бошқа йирик объектлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаслиги, келгусида муддатли тўлов асосида фаолият юритувчи корхоналар ва диллерлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки иқтисодчилари М.Ломбарди, М. Моханти ва И.Шим томонидан 1990-2015 йилларда 54 мамлакат бўйича тадқиқот ўтказилган. Унга кўра аҳолига ажратилган кредитлар ва ЯИМ ўртасидаги боғлиқ қисқа 1 йил муддатдагача ижобий боғлиқлик мавжуд бўлади. Аммо бир йилдан ортиқ муддатда эса кредитлар 1 фоизга ўсиши ЯИМ нинг 0,1 фоизга қисқаришига олиб келиши мумкин. Аҳоли қарзини ЯИМга нисбатининг 60 фоиздан ошиши иқтисодий ўсишга салбий таъсир қилиши ҳамда бундай салбий таъсир қарздорликнинг ЯИМга нисбати 80 фоиздан юқори бўлган ҳолатларда айниқса кучли бўлиши қайд қилинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётини макро даражада тартибга солиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Марказий банк регулятор сифатида жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётлари бўйича макропруденциал назоратни амалга ошириб боради.

Адабиётлар шарҳи

Халқаро тадқиқотларда аҳолига ажратилган кредитлар ва аҳоли жон бошига ЯИМнинг қиймати ўртасида ижобий боғлиқлик мавжудлиги аниқланган. 2020 йилги маълумотлар асосидаги таҳлиллар, ривожланган мамлакатлар бўйича ЯИМнинг аҳоли жон бошига қийматига мос равишда хусусий секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати даражасининг ҳам шаклланаётганини кўрсатган.

Сўнгги йигирма йил ичида бутун дунё бўйлаб аҳолининг қарз юки кескин ўсмоқда. Глобал молиявий инқироз натижасида юқори даражада қарздор оилаларда



истеъмолнинг тез пасайиши иқтисодиётда ялпи талабни қисқаришига сабаб бўлди. Бундан ташқари, инқироздан бери қарз юки даражаси янги юқори даражага чиқишда давом этди. Бу эса, табиийки, назарий ва эмпирик нуқтаи назардан аҳолининг қарзи ва истеъмоли ўртасидаги боғлиқлик бўйича тадқиқотлар ўтказишни талаб этмоқда.

Иқтисодий адабиётларда жаҳон молиявий иқтисодий инқирозигача бўлган даврда аҳоли умумий қарзининг иқтисодий ўсишга ижобий таъсири қайд этилган ва ижобий омил сифатида қаралган. Масалан Ф.Мишкин, К.Мервин, Г.Дебелле уй хўжаликларининг қарзлари иқтисодий фаолиятда муҳим рол ўйнаши аниқланган. Уларнинг фикрича жисмоний шахслар юқори қарз юкига дуч келганда даромад ва фоиз ставкалар ўзгаришига кўпроқ сезгир бўлишади.

М.Ломбарди ва бошқалар уй хўжаликларининг қарзи қисқа муддатда иқтисодиётни кучайтирса ҳам, узоқ муддатда иқтисодиёт ўсишига тўсқинлик қиладиган эмпирик далилларни тақдим этади.

А.Мian ва А.Sufi тадқиқотлари шуни кўрсатадики, инқироздан олдинги даврда уй хўжаликларининг кредитга бўлган талаби ўсган. Аҳолининг кредитлари ортиб бориши аҳолидан камроқ маблағ сарфлаш ва кўпроқ тежашни талаб этади. Истеъмол сарфининг камайиши товар ва хизматларга бўлган ялпи талабнинг қисқаришига олиб келади. Натижада ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш пасайиб, ишсизлар сони ошади. Бундай цикл қандай яқунланади деган саволга муаллифлар: “Қарзга тўғридан-тўғри ҳужум билан” деб жавоб беришади, яъни, даромадлари камайган ёки ишсиз қолган шахслар банк кредитларига мурожаат қилиб, қарз юкини янада оширади.

М.Дрехманн, М.Жуселиус ўз тадқиқотларида қарзга хизмат кўрсатиш юклари кредит ва харажатларнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатишини ва келажакдаги таназзул ва молиявий инқироз эҳтимолини кўрсатиши аниқлади.

J.J.Xiao ва R.Yao тадқиқотларида аҳолига ажратиладиган кредитларнинг оилаларга таъсири баҳоланган. Унда бир нечта ижтимоий-иқтисодий ўзгарувчиларнинг кўп ўлчовли логистик регрессия натижалари шуни кўрсатадики, турмуш қурган болали оилалар бошқа турдаги оилаларга қараганда кўпроқ қарзга эга. Эр-хотин фарзандли оилалар бошқа оилаларга (фарзандсиз турмуш қурганлар, ёлғиз эркалар ва ёлғиз аёллар) нисбатан 60 ёки ундан ортиқ кунга қарзни тўлашда кечикиш эҳтимоли кўпроқ.

L.M.Berger, J.Collins нинг тадқиқотида АҚШдаги аҳолининг депрессив аломатлари билан қарзнинг алоҳида турлари ва даражалари ўрганилган. Натижалар шуни кўрсатадики, уй хўжаликлари қарзи кўпроқ депрессия белгилари билан ижобий боғлиқ. Бу боғлиқлик айниқса 51-64 ёшли катталар, ўрта ёки ундан кам маълумотга эга бўлганлар ва кузатув даврида барқарор турмуш қурмаганлар орасида кузатилган. Тадқиқотлар, шуни кўрсатадики, қисқа муддатли қарз, айниқса, кам маълумотга эга, пенсия ёшига яқинлашган ёки турмуш қурмаганлар учун психологик салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Айрим тадқиқотларда турли уй хўжаликларининг қарз юклари ва уларнинг истеъмолга таъсири ўрганилган. Бейкер (2018) юқори даражада қарздор уй



хўжаликлари қарз олиш ва ликвидлик чекловлари туфайли даромад ўзгаришига кўпроқ сезгир эканлигини аниқлади.

Agnes Kovacs, May Rostom, Philip Bunn Буюк Британияда уй хўжаликлари даражасидаги маълумотлардан фойдаланади ва инқироздан кейинги даврда ўртача уй хўжаликлари билан солиштириб ёш оилаларда юқори қарз юки мавжуд бўлганда ўз истеъмолини сезиларли даражада қисқартирганлигини баҳолаган. Қарзга боғлиқлик одатда оилаларнинг ушлаб турилган қарз воситаларининг турига қараб фарқ қилади.

Naкајіта Япония уй хўжаликлари учун истеъмолнинг даромад эгилувчанлиги ва қарз юклари ўртасидаги сезиларли боғлиқликни баҳолаган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, уй хўжаликлари даромадининг истеъмол эгилувчанлиги юқори қарздор уй хўжаликлари учун қарзи кам ёки умуман йўқ уй хўжаликларига қараганда анча юқори. Юқори қарзга эга бўлган аҳоли ва қарзи кам ёки умуман бўлмаган шахс ўртасида истеъмолнинг даромад эгилувчанлигидаги фарқ фақат даромаднинг салбий ўзгариши учун аҳамиятли ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишини амалга оширишда статистик кузатув, вербал шарҳлаш, тизимлаштириш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларида, қиёсий таҳлил, мантиқий фикрлаш ва эксперт баҳолаш, умумлаштириш ва гуруҳлаштириш, истиқболни прогнозлаштириш, танланма адабиётлар таҳлили, шунингдек, соҳа бўйича олим ва экспертларнинг ушбу мақола мавзуси бўйича қараш ва ёндашувларидан самарали фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида тижорат банкларининг кредитлаш амалиётлари мустақил амалга оширилиши ва Марказий банк томонидан маъмурий тартибга солиш амалиётларидан воз кечилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йилда қабул қилинган, “Тижорат банкларининг кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 905-сон низомга (ҳозирда бекор қилинган) асосан банклар кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва мустақил кредитлаш амалиётларини ташкил этиши белгиланган эди.

Шундай экан, жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётлари билан боғлиқ ва келажакда юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни бартараф этиш ва уни камайтириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозим?

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётларини тартибга солишда қуйидаги инструментлардан кенг фойдаланмоқда:

1. Тижорат банкларида жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг таваккалчилик даражасини белгилаш;
2. Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (микроқарзлар) бўйича қарз юкини белгилаш;
3. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдорини қонун ва қонун-ости меъёрий ҳужжатларда белгилаш.



1. Тижорат банкларида жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг таваккалчилик даражасини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-сон билан давлат рўйхатдан ўтказилган “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2693-сонли низомга асосан жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг таваккалчилик даражаси белгиланган.

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитлар фоиз ставкалари даражасидан келиб чиқиб, таваккалчилик даражаси 200 фоизгача белгиланган. Жисмоний шахсларни тўловларини ва қарз юкини ошишини олдини олиш мақсадида юқори фоиз ставкали кредитларга юқори риск даражаси белгиланган. Банкларда юқори фоиз ставкада кредитлар ажратиш, банкнинг ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси ошади ҳамда банк капитали монандлилик кўрсаткичларини пасайтиради.

1-жадвал

Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг таваккалчилик даражалари¹

№	Йиллик фоиз ставкаси	Таваккалчилик даражаси	Суд жараёнидаги ва қарздорликлари мавжуд бўлган кредитлар учун таваккалчилик даражаси
1.	миллий валютада Марказий банкнинг асосий ставкаси + 9 фоиз банд ва ундан паст бўлган кредитлар бўйича	100%	200%
2.	миллий валютада Марказий банкнинг асосий ставкаси + 9 фоиз банддан Марказий банкнинг асосий ставкаси + 13 фоиз бандгача	150%	
3.	миллий валютада Марказий банкнинг асосий ставкаси + 13 фоиз банд ва ундан юқори бўлган кредитлар	200%	

**-ипотека кредитларидан ташқари*

Бундан ташқари, банкларнинг суд жараёнидаги ва (ёки) белгиланган муддатда ундирилмаган қарздорликлари мавжуд бўлган кредитлар учун таваккалчилик даражаси 200 фоиз белгиланган. Бу эса, тижорат банкларида муаммоли ва суд жараёнидаги кредитларни камайтириш чораларини кўришни талаб этади.

2-жадвал

Аҳолига ажратилган ипотека кредитларининг таваккалчилик даражалари²

Тавсифи	Кредит суммасини гаров суммасига нисбати (КГН)				Суд жараёнидаги ва қарздорликлари мавжуд бўлган кредитлар учун таваккалчилик даражаси
	КГН<50%	50%≤КГН<75%	75%≤КГН<100%	100%≤КГН	
Таваккалчилик даражаси	35%	50%	100%	150%	200%

Аҳолига ажратиладиган ипотека кредитларининг кўчмас мулк билан таъминланиши ва гаровнинг ликвидли хусусияти, ушбу кредитлар бўйича таваккалчилик даражаси 35 фоиздан 150 фоизгача белгиланган. Ипотека

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 6 июлдаги “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2693-сонли низом.

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 6 июлдаги “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2693-сонли низом.



кредитларининг муддати ўтган қарздорлиги ва суд жараёнидаги мавжуд қолдиғи 200 фоизгача рискли актив сифатида таснифланади.

2. Қарз юки орқали қарз олувчи жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётларини тартибга солиш.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилган “Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (микроқарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш тартиби, қарз юкининг рухсат этилган миқдори, шунингдек қарз юки ўсишини чеклаш тўғрисида” ги 3205-сон низомга асосан қарз олувчи жисмоний шахсларга кредитлар ёки микроқарзлар ажратиладиганда қарз юкини ҳисоблаш тартибини, қарз юкининг рухсат этилган миқдорини, қарз юки ўсишини чеклаб туришни, шу жумладан кунлик энг юқори фоиз ставкалари тартибга солинади.

Қарз юки кўрсаткичи –ажратиладиган кредитнинг бир ойлик ўртача тўлови ҳамда қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчининг барча мавжуд кредит (микроқарз)лари бўйича ўртача ойлик тўловлари миқдорининг қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчининг тасдиқланган ўртача ойлик даромадлари миқдорига нисбатида аниқланади.

Низомга асосан қарз юки кўрсаткичи ҳар бир қарз олувчига банклар ва микрокредит ташкилотлари томонидан микроқарз ёки ломбардлар томонидан кредит (микроқарз) ажратишда унинг суммаси ва қарз олувчининг амалдаги кредит (микроқарз) шартномалари бўйича асосий қарз қолдиғи йиғиндиси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан ошганда ҳисобланади.

Шунингдек, қарз юкини чеклаш мақсадида Марказий банк томонидан қарз берувчи томонидан кредитлар (микроқарзлар) ажратиладиганда жисмоний шахснинг қарз юки кўрсаткичи 50 фоиздан ошмаслиги белгиланган. Қарз берувчи томонидан жисмоний шахсларга ажратиладиган барча кредит (микроқарз) шартномалари бўйича кунлик энг юқори фоиз ставка 0,3 фоиздан ошмаслиги бироқ фоизлар, воситачилик ҳақи, пеня ва бошқа жавобгарлик чоралари миқдори йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп бўлмаслиги лозим.

Жисмоний шахсларга ажратиладиган кредит миқдорини аниқлашда қарз юки кўрсаткичидан фойдаланилади ва бунда қарз юки кўрсаткичи белгиланган 50 фоиздан юқори бўлмаслиги лозим. Қарз олувчининг қарз юки белгиланган меъёрдан ортганда банк ходими мижозга муқобил суммани тақлиф этиши керак.

Тижорат банкларида масъул ходим кредит бериш жараёнида қарз олувчига кредитни қайтариш бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги кредит бўйича пеня ва жарималар ҳисобланишига олиб келиши оқибатида қарз юкининг ортишига, кечиктириладиган тўловлар уларнинг кредит тарихига салбий таъсир кўрсатиши ҳамда келгусида кредит олиш имкониятлари чекланиб қолиши мумкинлиги тўғрисида батафсил тушунтириши керак.

Макроиқтисодий нуқтаи-назардан жисмоний шахсларни кредит юкини баҳолашда халқаро амалиётда асосан 3 та услубий ёндашувдан

- 1) Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи (Payment-to-income ratio),
- 2) Қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичи (Debt-Service-Ratio)




3) Қарз мажбуриятларининг ЯИМга нисбати (Debt-to-GDP) кўрсаткичидан фойдаланилади.

Макродаражада аҳолининг қарз юкини баҳолашда мамлакат бўйича умумлаштирилган статистик маълумотлар, шу жумладан аҳолининг жами кредит қарздорлиги (тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредит қолдиғи), аҳолининг умумий даромади ва ялпи ички маҳсулот ҳажми каби маълумотлар таҳлилидан умумий ҳолатга баҳо бериш мумкин.

1-диаграмма


Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг аҳолига ажратилган кредитлар қолдиғининг ЯИМдаги улуши ўзгариши, (%)³



Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг ЯИМ даги улушининг 2010-2022 йилларда барқарор ўсган. Таҳлил даврида 2017-2022 йиллардаги ўзгариш нисбатан юқори бўлиши сабаби, Ўзбекистон Республикасида ҳам сўнгги йилларда давлат дастурлари доирасида аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида ипотека кредитлари ажратиш ҳажмининг сезиларли даражада оширилиши, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган кредит маблағлари ҳажми ошганлиги билан изоҳланади.

2-диаграмма

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган кредитлар қолдиғининг аҳоли даромадларидаги улуши ўзгариши, (%)⁴



³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди



Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган кредитлар қолдиғининг аҳоли даромадларидаги улуши ўзгариши таҳлил даврида қарийб 16 фоизгача ошган. Таҳлил даврида банк тизимида жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг қолдиғи жами аҳоли даромадларидаги улуши ўзгариши 2018-2019 ва 2021-2022 йилларда юқори суръатларда ўсган.


Бундан ташқари, юқоридаги таҳлилларда автокредитлар бўйича бирламчи ҳамда иккиламчи бозорлардаги савдолар тўғрисида ва бошқа маиший буюмларни муддатли тўлов асосида тузилган битимлар тўғрисидаги маълумотлар қамраб олинмаган. Банк тизимидан ташқари муддатли тўлов асосида амалга оширилган битимлар тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олинган ҳолатда аҳолининг қарз юки таҳлил жараёнида аниқланган даражадан анча юқори бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг таҳлилий маълумотларига кўра, 2018–2021 йилларда жами ипотека кредитларининг 60–70 фоизини кредит тўловининг даромадга нисбати (PTI) 51 фоиздан юқори бўлган ипотека кредитлари ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жисмоний шахсларга ажратилган кредитлари қолдиғига таъсир қилувчи омиллар корреляцион (method='pearson') таҳлил натижалари қуйидаги расмда келтирилган.

3-диаграмма

Тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган кредитлар қолдиғи ва бошқа омиллар билан корреляцион боғлиқлик харитаси.⁵



⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди



Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғининг 2010-2022 йиллардаги ўзгаришига таъсир қилувчи омиллардан аҳоли даромадлари (0.98) ва ЯИМ (0.98), аҳоли сони ўсиши (0.9) юқори боғлиқ. Бундан ташқари, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси (0.61) заифбоғланишга эга бўлган. Мамлакатдаги инфляция даражаси (-0.14) билан тескари боғлиқлик мавжудлигини кўриш мумкин.

3. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдорини қонун ва қонун-ости меъёрий ҳужжатларда белгилаш.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратиладиган кредитлар миқдори, қонун ва қонун ости меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинди. Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги 2022 йил 20 апрелдаги 765-сонли қонуннинг 5-моддасига асосан “жисмоний шахс бўлган қарз олувчига тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида эллик миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда пул маблағларини -микроқарз бериш” мумкинлиги қайд этилган.

Қонун-ости ҳужжатлар билан жисмоний шахсларга имтиёзли асосда ва аҳолининг алоҳида тоифаларини кредитлашда энг кўп чегаралари белгиланади. Шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик фаолияти учун ажратиладиган кредитлар миқдори чегараланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолинингуй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 4701-сонли қарорига асосан, аҳолига ажратиладиган ипотека кредитларининг ҳудудлар кесимида энг кўп миқдорлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “«Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида” ги 3777-сонли қарорига асосан, 33 миллион сўмгача бўлган миқдорда —тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахсларга ҳар бир маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчисининг тавсиялари асосида ажратилиши белгиланган.

Юқоридаги қонун-ости меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ажратиладиган кредитларнинг энг кўп миқдорлари аҳоли ва улар яшайдиган ҳудудларда тўғри тақсимотини таъминлаш мақсадида тартибга солиш учун белгиланган.

Хулоса ва таклифлар

Ўтказилган тадқиқот ва таҳлил натижаларига асосланиб қуйидаги илмий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон Республикасида Марказий банк қарз юкини тартибга солиш мақсадида, тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотларидаги жисмоний шахсларнинг қарздорлиги тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш. Мазкур базага муддатли тўлов асосида ишлайдиган корхоналар ва диллерлардан жисмоний шахсларга муддатли тўлов асосида тузилган битимларни киритилиши лозим.
2. Жисмоний шахсларнинг қарз юкини кредитлар ва муддатли тўловлар бўйича қарздорлик қолдиғидан келиб чиқиб аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бунда макродаражада аҳоли зиммасига тушадиган қарз юки баҳоланади ва ҳолат бўйича аниқ хулоса чиқариш мумкин. Шунингдек, тижорат банкларида қарз юки даражасини аниқ баҳолаш, жисмоний шахсларни кредитлашда кредит рискни минималлаштиришга



хизмат қилади. Чунки, ҳозирги кунда тижорат банклари қарз юкини бошқа банклардаги мавжуд кредит қарздорликларидан келиб чиқиб аниқлайди.

3. Макродаражада жисмоний шахсларнинг қарз юкини иқтисодий ўсишга салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида, Марказий банк томонидан аҳолининг қарз юки даражасининг ЯИМга нисбати чегарасини 50 фоиз даражасида таъминлаши мақсадга мувофиқ бўлади.

References:

1. "The real effects of household debt in the short and long run" by Marco Jacopo Lombardi, Madhusudan Mohanty and Ilhyock Shim, BIS Working Papers | No 607 26 January 2017 –<https://www.bis.org/publ/work607.pdf>
2. Egert B., Backe P., Zumer T. Credit growth in Central and Eastern Europe: New (over) shooting stars? ECB WORKING PAPER, No. 687., / OCTOBER 2006 – <https://www.ecb.europa.eu/home/html/index.en.html>
3. Mishkin, Frederic S. The Economics of Money, Banking and Financial Markets, sixth edition, Upper Saddle River: Pearson Education International. 2003.
4. King, Mervyn "The Institutions of Monetary Policy." American Economic Review Papers and Proceedings, 2004, 94, 1-13.
5. Guy Debelle "Macroeconomic implications of rising household debt," BIS Working Papers 153, Bank for International Settlements. 2015.
6. Atif Mian and Amir Sufi. House of Debt: How They (and You) Caused the Great Recession, and How We Can Prevent It from Happening Again. University of Chicago Press. USA. 2014. 232 pages.
7. Mathias Drehmann (BIS) Mikael Juselius (Bank of Finland) Anton Korinek (JHU and NBER) "Accounting for Debt Service The Painful Legacy of Credit Booms" –Bank for International Settlements 2017. All rights reserved.–<https://www.bis.org/publ/work645.pdf>
8. Xiao, J.J. and Yao, R. "Debt types and burdens by family structures", International Journal of Bank Marketing, (2020), Vol. 38 No. 4, pp. 867-888. <https://doi.org/10.1108/IJBM-07-2019-0262> Available at: <https://doi.org/10.1108/IJBM-07-2019-0262>
9. Berger, L.M., Collins, J. & Cuesta, L. Household Debt and Adult Depressive Symptoms in the United States. Iss 37, 42–57 (2016). <https://doi.org/10.1007/s10834-015-9443-6>
10. Baker, S R "Debt and the response to household income shocks: validation and application of linked financial account data", Journal of Political Economy, forthcoming. 2018 у.
11. Agnes Kovacs & May Rostom & Philip Bunn, 2018. "Consumption Response to Aggregate Shocks and the Role of Leverage," Discussion Papers 1820, Centre for Macroeconomics (CFM).
12. Nakajima J. "The role of household debt heterogeneity on consumption: Evidence from Japanese household data" Publication: Economic Analysis and Policy, Publisher: Elsevier, Date: Mar 2020, © 2020 Economic Society of Australia, Queensland. Published by Elsevier B.V.
13. "Қарз юки таҳлили ва хатарлар" Ўзбекистон Республикаси Марказий банки таҳлилий нашр, 2022 йил.



14. Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микроолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги 2022 йил 20 апрелдаги 765-сонли қонун.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 4701-сонли қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “«Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида” ги 3777-сонли қарори.
17. <https://journal.bfa.uz> электрон журнали